МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Sharopov Dilshodjon Raxmatullayevich
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: маҳаллий бюджет даромадлари таркибининг амалдаги ҳолати комплекс таҳлил қилинган. Жумладан, солиқ ва носолиқ тушумларнинг таркибий тузилиши, уларнинг маҳаллий бюджетлар умумий даромадларидаги улуши ҳамда динамикаси ўрганилган. Шунингдек, даромадлар таркибига таъсир этувчи иқтисодий ва институционал омиллар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва чекловлар аниқланган. Тадқиқот натижалари асосида маҳаллий бюджет даромадлари таркибини оптималлаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, бюджет даромадлари, даромадлар таркиби, солиқ тушумлари, носолиқ тушумлар, бюджет динамикаси, молиявий барқарорлик, ҳудудий молия

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ СТРУКТУРЫ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Шаропов Дилшоджон Рахматуллаевич – независимый исследователь
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: Проведён комплексный анализ современного состояния структуры доходов местных бюджетов. Рассмотрены состав и соотношение налоговых и неналоговых поступлений, их удельный вес в общей структуре доходов, а также динамика изменений. Проанализированы экономические и институциональные факторы, влияющие на формирование доходов, выявлены основные проблемы и ограничения. По результатам исследования предложены научно обоснованные рекомендации, направленные на оптимизацию структуры доходов местных бюджетов и обеспечение их финансовой устойчивости.

Ключевые слова: местный бюджет, доходы бюджета, структура доходов, налоговые поступления, неналоговые доходы, динамика бюджета, финансовая устойчивость, региональные финансы

CURRENT STATE OF THE STRUCTURE OF LOCAL BUDGET REVENUES

Sharopov Dilshodjon Rakhmatullaevich – Independent Researcher, Tashkent State University of Economics

Abstract: This article presents a comprehensive analysis of the current state of the structure of local budget revenues. It examines the composition and ratio of tax and non-tax revenues, their share in total budget revenues, and their dynamics over time. The study also analyzes economic and institutional factors influencing revenue formation and identifies key challenges and constraints. Based on the findings, scientifically grounded recommendations are proposed to optimize the structure of local budget revenues and enhance their financial sustainability.

Keywords: local budget, budget revenues, revenue structure, tax revenues, non-tax revenues, budget dynamics, financial sustainability, regional finance

Маҳаллий бюджетлар давлат молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг молиявий барқарорлиги, аввало, даромадлар таркибининг тўғри шакллантирилиши ва самарали бошқарилишига боғлиқдир. Шу жиҳатдан, маҳаллий бюджет даромадлари таркибининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш, унинг таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджет даромадлари асосан солиқ тушумлари ҳисобига шаклланиб, носолиқ тушумлар улуши нисбатан чекланганлигича қолмоқда. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда даромад манбаларининг етарли даражада диверсификация қилинмаганлиги, иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги ва молиявий мустақиллик даражасининг пастлиги кузатилмоқда. Бу ҳолатлар маҳаллий бюджетлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг ижтимоий вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имкониятларини чекламоқда.

Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджет даромадлари таркибини чуқур таҳлил қилиш, солиқ ва носолиқ тушумлар ўртасидаги мутаносибликни баҳолаш ҳамда даромад манбаларини кенгайтириш имкониятларини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқотнинг мақсади маҳаллий бюджет даромадлари таркибининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Шунинг учун солиқлар орқали шаклланган маблағларнинг энг кам миқдори давлат вазифаси бажарилишига тегишли энг кам харажат ҳажми билан боғлиқ бўлади ва шу ҳажм билан чегараланади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини ифодаловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири - бу шубҳасиз унинг бюджетидир. Малумки, унда бюджет таснифига кўра давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши республиканинг мустақил давлат ва маъмурий - ҳудудий тузилиши билан белгиланади. Таркибига республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни олиб, тузиладиган ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш давлат режасига мувофиқ равишда даромад ва харажатлар бўйича тузилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида маҳаллий бюджетга тушиши ҳамда ундирилиши масаласи маҳаллий молия тизими самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шубҳасиз, бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, амалиётда ҳалигача солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида ундирилиши ва бюджетга тушиши механизмларида муайян муаммолар мавжуд. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш орқали маҳаллий бюджет ижросининг тўлиқ ва ўз вақтида таъминланиши эришилади, бу эса, ўз навбатида, вилоят ёки туманлар иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўз навбатида биз тадқиқ этаётган диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ **Давлат бюджети** қуйидаги даражадаги бюджетлардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;

-Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

Ўзбекистон Республикасининг **консолидациялашган бюджети** таркибига қуйидагилар киради:

Давлат бюджети;

давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари.

Давлат бюджети-давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказий жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори бўлиб, календарь йил давомида аниқ соҳа ва тармоқлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи миқдори тушунилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларнинг тузилмаси қуйидагича белгиланган:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг бюджетлари киради.

Вилоятлар маҳаллий бюджетлари тузилмасига вилоят бюджети, тегишли шаҳар ва туманларнинг бюджетлари киради.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради.

Ўзбекистон Республикасида **Давлат бюджети даромадлари**нинг шаклланиш манбалари қуйидагича белгиланган:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;

мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

резидент юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бошқа даромадларга қонунчиликка мувофиқ республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, жарималар, товон ва компенсация тўловлари, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан олинадиган тушумлар, мерос ва ҳадя шаклидаги маблағлар, қайтарилмайдиган маҳаллий ва хорижий тушумлар, маҳсулот тақсимоти шартномалари бўйича давлат улуши, Марказий банк фойдаси ҳамда бошқа қонун доирасида белгиланган манбалар киради.

Маҳаллий бюджет даромадлари манбаларининг таркиби қуйидаги асосий қисмларга бўлинади:

Солиқ тушумлари: Белгиланган нормативларга мувофиқ, фойда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад, акциз, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар; Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи; Мол-мулк солиғи; Ер солиғи; Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ; Айланмадан олинадиган солиқ;

Солиққа оид бўлмаган даромадлар: Жарималардан тушумлар; Давлат хизматлари учун йиғимлар ва давлат божлари.

Трансфертлар ва субсидиялар: Юқори бюджетлардан ажратиладиган субвенциялар ва субсидиялар; Тенглаштирувчи трансфертлар.

Бошқа даромадлар: Давлат мулкини сотиш ва ижарага беришдан тушумлар; Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари; Эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар; Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Маҳаллий бюджет даромадлари таркибида солиқ тушумлари етакчи ўринни эгаллаб, носолиқ даромадлар улуши ҳали етарли даражада шаклланмаган. Бу эса маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини чекловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, даромадлар таркибини диверсификация қилиш ва носолиқ манбалар улушини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш, солиқ базасини кенгайтириш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали бюджет даромадларини барқарор ошириш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, давлат мулкидан самарали фойдаланиш, маҳаллий активларни бошқаришни яхшилаш ва инвестиция муҳитини ривожлантириш орқали носолиқ тушумларни кўпайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий бюджет даромадлари таркибини оптималлаштириш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу эса ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини ошириш, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзб.Рес. 2013 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси тўғрисида”ги ЎРҚ-360-сонли Қонуни.

2. Маманазаров А. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари. Икт.фан.ном. ... дисс. автореф. - Тошкент, 2002. - 24 6.

3. Есмурзаев Ж. Иктисодиётини эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш Механизмини такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. дисс. автореф.- Ташкент, 2007.-24 6.

4. Абибуллаев Б.О. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари. Иқт.фан.дисс. - Тошкент, 2009. - 118-125.

5. Usmonov Q.A. Budjet daromadlarini rejalashtirish jarayoni, usullari va ularni takomillashtirish yo‘nalishlari. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali. 4-son, iyul-avgust, 2016.

6. Toshmatov Sh. Korxonalarni rivojlantirishda soliqlar roli. Monografiya. – T.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 b.

7. Burxanov A.U., Qurbonov X.A. Hududlarda mahalliy budjetlar daromadlar manbaini kengaytirish yo‘llari (Qashqadaryo viloyati misolida). // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali. 1-son, yanvar-fevral, 2018. 4-b.

8. Nico Groenendijk, Annika Yansoo. Fiscal federalism in transition countries: the three Baltic state compared. / Public finance and management. / Volume 16, № 3, pp. 255-280, 2016.

9. Xayriddinov A.B. Mahalliy budjetlar daromad bazalarining barqarorligini ta’minlash yo‘llari. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan diss. avtoreferati. – T.: 2011. –b. 13.